

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАБЕРГАНОВ ШЕРАЛИ ЙЎЛДАШЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ТАРИХИ
(1991 – 2018 ЙИЛЛАР)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Аллаберганов Шерали Йўлдашевич

Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси тарихи (1991-2018 йиллар).....3

Аллаберганов Шерали Йўлдашевич

История охраны окружающей среды в Узбекистане (1991-2018 годы).....25

Allaberganov Sherali Yuldashevich

History of Environmental protection in Uzbekistan (1991-2018).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
ҚОРАҚАЛПОҚ ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАБЕРГАНОВ ШЕРАЛИ ЙЎЛДАШЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ТАРИХИ
(1991 – 2018 ЙИЛЛАР)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.2.PhD/Tar265 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://ik-tarix.nuu.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Давлетов Санжарбек Ражабович тарих фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Обламурадов Наим Халимович тарих фанлари доктори, профессор Қурбанов Абдурахим Эшназарович тарих фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 27.06.2017. Таг.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория.) Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).Тел.: (99871)236-46-55, факс: (99871)246-02-04).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси)

А.А.Маврулов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор.

Д.Ж.Ураков
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
котиби, т.ф.н., доцент.

Г.А. Агзамова
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрга келиб жаҳондаги глобаллашув шароитида атроф-мухитни муҳофаза қилиш муаммолари бир мамлакат ёки минтақа доирасидан чиқиб, бутун ер сайёрасига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ер юзида барқарор тараққиёт йўлида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам экологик муаммоларни ҳал қилишда дунё давлатларини ҳамжиҳатликка чорламоқда, уларнинг куч ва имкониятларини яратувчанлик йўлида бирлаштириш йўлидан бормоқда. БМТ Бош ассамблеясининг 2009 йилдаги 63-сессиясида ҳозирги ва келгуси авлодларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик эҳтиёжлари орасидаги адолатли мутаносибликка эришиш мақсадида замин уйғунлигини сақлаб қолиш долзарб масала эканлиги алоҳида таъкидланди.

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш масалалари дунёнинг бир қатор олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот марказларида ўрганилмоқда, жумладан, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанат бузилишининг экотизимга таъдиди, экологик хавфсизлик, саноатлаштириш ва урбанизация жараёнларининг атроф-мухитга таъсири, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, барқарор тараққиётга эришиш йўлида эконоваццияларни ҳаётга татбиқ этиш, жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, жаҳон экологик тарихшунослиги хусусиятлари каби мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда табиий ресурсларни асраш ва улардан оқилона фойдаланиш, ҳозирги ва келажак авлод учун қулай табиий мухитни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу соҳадаги вазифалар ва мамлакатда экологик ҳолатни барқарорлаштириш муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган кенг кўламли дастурлар давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва фуқароларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини янада мустаҳкамлашни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти “...биз сув ресурслари тақчиллиги, ичимлик суви сифатининг ёмонлашуви, тупроқнинг деградацияга учраши, биохилма-хилликнинг кескин камайиши, жиддий иқлим ўзгаришларини яққол сезиб турибмиз. ...Биз умумий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, ушбу фожиа оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, минтақанинг сув ва экология билан боғлиқ муаммоларига ечим топиш бўйича саъй-ҳаракатларимизни бирлаштирагимиз лозим”, - дея таъкидлаган эди¹. Шу боис мамлакатда атроф-мухит муҳофазаси, экологик ҳолатни соғломлаштириш, экологик барқарорликни таъминлаш долзарб масалага айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари мажлисидаги нутқи. // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-turk-24-08-2018>

стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, шунингдек, 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5018-сон Фармони, 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон Қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуга оид адабиётларнинг асосини мустақиллик йилларида турли соҳа мутахассислари томонидан яратилган нашрлар, тарих, фалсафа, ҳуқуқ, сиёсатшунослик, география, биология йўналишларида ёзилган тадқиқот ишлари, мутахассис-экологлар, ҳуқуқшунослар, журналистлар томонидан чоп қилинган экологик мавзулардаги таҳлилий маълумотлар ташкил қилади.

Тарихчи олимлар Ўзбекистон тарихининг долзарб масалаларига оид тадқиқотларида мамлакатда юзага келган ижтимоий-экологик муаммоларнинг тарихий негизлари таҳлиliga тўхталиб ўтганлар². Мустақиллик йилларида яратилган фундаментал тадқиқот ва монографияларда атроф-муҳит муҳофазасининг баъзи қирралари очиб берилган³.

² Бабаджанова Д.Б. Социально-экономические аспекты межнациональных отношений в Узбекистане. Дисс. д. и. н. Т., 1997; Бекимбетов Б.М. История общественно-политического движения за спасение Аральского моря. (1960-1990-е гг.). Нукус, 2006; Бабажанова Н. Совет тоталитар сиёсатининг Ўзбекистон аҳолиси миллий таркиби шаклланишига таъсири (1941-1990 йй.): Тарих фан. ном. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.; Юнусова Х.Э. Социально-экономические процессы и духовная жизнь Узбекистана в 80-х годах XX века.: Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 2009. – 46 с.; Абдуллаев А.Н. Хлопковая монокультура в Узбекистане и её последствия. (1917-1991 гг.): Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 2010. – 51 с.; Исоқов Б.Н. Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми – 2000 йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири.: Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 27 б.; Розимова Ё.Ю. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси мисолида 1991 - 2007 йй.): Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 30 б.; Давлетов С. Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммолари (XX асрнинг иккинчи ярми - XXI аср боши). - Тошкент, 2012; Комилов О.К. Ўзбекистонда ирригация тизими ривожланиши ва унинг оқибатлари (1951-1990 йй.). Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т., 2017. – 66 б.; Давлетов С. Р. XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошида Ўзбекистондаги экологик вазият ва унинг ижтимоий муаммолари. Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т., 2018. – 74 б.; Рахимова Г.С. XX аср 50–90 йилларида Фарғона водийси sanoat ривожининг экологик ҳолатга таъсири. Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т., 2018. – 46 б.; Турсунов Р.Н. Ecological condition and mysteries in Turkestan periodical press in the early XX century (In the case of Sadoi Ferghana newspaper. //International scientific journal Theoretical and applied science. Philadelphia, USA. Volume 73. 2019.30.05. -P. 570-574.

³ Усмонов Қ., Абдуғаниев А. ва б. Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида. Тошкент. Ўқитувчи. 1996.; Жўраев Н., Файзуллаев Т., Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. Миллий мустақиллик даври. Тошкент “Шарқ”. 1998.; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Тошкент: Шарқ, 2000. -688 б.; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Тошкент: Шарқ, 2000. - 560 б.; Ўзбекистон

Атроф-муҳит муҳофазасининг иқтисодий ва экологик омилларига оид масалалар иқтисодчи ва эколог мутахассисларнинг тадқиқотларида баён этилган⁴. Шу йўналишдаги кейинги тадқиқотларда мамлакатда мавжуд экологик муаммолар чуқурлашиши билан бир қаторда янги экологик муаммолар мажмуи юзага келиши ҳақидаги фикр мулоҳазалар билдирилган⁵.

Атроф-муҳит муҳофазасининг ижтимоий масалалари файласуфларнинг тадқиқотларида баён этилган бўлса⁶, ҳуқуқшунослик соҳасига оид ишларда⁷ мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги экологик сиёсатнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган.

Атроф-муҳитни асраш йўлидаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатларни ўрганишга оид манбалар мамлакатда жамоатчилик экологик назоратини амалга

тарихи (1917-1991 йиллар). К. 2. Ўзбекистон 1939-1991 йилларда / маъс. мух. Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. Тошкент: Ўзбекистон, 2019. - 576 б.

⁴ Турсунов Х. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т.: Ўзбекистон, 1997 й.; Тўхтаев А.С. Экология Т.: Ўқитувчи, 2001 й.; Нигматов А. Экология нима? – Т. 2002 й.; Рафиқов А. Геоэкология. Т.: Фан, 2003 й.; Турсунов Х.Т., Рахимова Т.У. Экология. Т., 2006 й.; А.Зикиряев, Ғ.Мухамедов. Экологик кимё. Т., 2006 й.; Зикиряев А., Хўжаназаров Ў. Барқарор ривожланиш мезонлари ва вазибалари // Экология хабарномаси. 2006. №8. 75-78 б.; Алибеков Л.А., Алибекова С.Л. Социально-экономические последствия процесса опустынивания в Центральной Азии. // Вестник РАН, 2007. №5. –С.420-425; Умарова Х.И., Хегай Л.И. Основные направления эколого-экономической политики Республики Узбекистан // Нефтепромысловое дело, 2007. №9. –С.59-61. Умаров А.Т. Минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг экологик жиҳатлари: Иқтисод фанлари номзоди... дис. Автореферати. Т., 2007. – Б. 15.; Джалолов С.Ч., Мирзаева М.С.; Мирзаев С.С. Атроф-муҳит ва ресурслар иқтисоди. Ўқув қўлланма. Т.: ТИМИ, 2009. 232-б.

⁵ Бабаев Ш. Р.Инсон ва экологик омиллар // O`zbekiston konchilik xabarnomasi. – 2015. – № 1. – Б. 124–126.; Зияева М.А. Экологическая обстановка в Узбекистане.// Анализ, прогноз и управление природными рисками в современном мире (Геориск-2015). Международной научно-практической конференции. 2015. С. 147-152; Валиева Ф.Р. и др. Глобальные проблемы экологии. // Актуальные научные исследования в современном мире. №5. 2017. –С.116-118.; Аслонов Б.Б., Каримова Н.М. Экологическая политика и безопасность // Достижения вузовской науки. 2016. № 23. –С. 226-230; Данилова Е.А. и др. Экологический мониторинг некоторых районов Узбекистана и заболеваемость. // Экологическая, промышленная и энергетическая безопасность. 2017. –С.337-341; Самигова Н.Р. и др. Экологические последствия урбанизации и индустриализации современности // Достижения вузовской науки-2018. Сборник статей II Международного научно-исследовательского конкурса. 2018. –С.249-252.

⁶ Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экологияга кириш.-Т.: Ўқитувчи, 1994 й.; Б.Колонов, Б.Зиямухамедов. Экология ва маданият. -Т.: Маънавият, 1997 й.; Мамашокиров С. Экологик фаоллик ва масъулиятни шакллантиришда ижтимоий-сиёсий омилларнинг роли: Фалсафа фанлари д-ри.Тошкент, 1997. 124 бет.; Абдуллаева Г. Экологическая политика Республики Узбекистан в условиях поэтапной интеграции в мировое сообщество. Автореф. дисс... к.п.н. -Т.: 2001; Эргашев А., Эргашев А. Инсон экологияси.Т., Фан.2009 йил. – Б.221.; Сангинов А. Аҳоли ўртасида экологик маданиятни тарғиб этиш чора-тадбирлари тўғрисида. // Фуқаролик жамияти. 2018 й. № 1. –Б. 12.

⁷ Жураев Ю.А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан.Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. М., 1996; Калонов Б. Экология назоратини амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатлари –Т.: Маънавият, 2003.– 56 б.; Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2004; Файзиев Ш.Х. Экологическая политика государства. Концепция правового обеспечения //Хуқук. Право. Law. – Т., 2003. – № 2. – С.6-7; Мирзаев Т. Экологияга доир қонунлар ижросини текшириш ва қонунлар бузилишига барҳам бериш. Ўқув қўлланма, –Т.: Янги аср авлоди, 2000. -54 б.; Рўзиев Р. Экология ҳуқуқи -Т.: Фалсафа ва ҳуқук институти, 2005.– 36 б.; Арипов Д.У. Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларга оид экологик-ҳуқуқий муаммолар. Юридик фанлари номзоди дисс. ... Автореф. Тошкент, 2008. – Б.5.; Файзиев Ш. Янги қонунлар моҳияти. - Т.: Ғофур Ғулом, 2010. -232 б.; Сафаров Д.И. Ўзбекистон Республикасида экологик қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификациялаш масалалари. Юридик фанлар номзоди дисс. ... Автореф. Тошкент, 2011.; Хамдамова А.Р. Республика Узбекистан: Экополитика и сущность экологической безопасности // Вопросы теории и практики, 2012. №3. –С.186-189; Холмўминов Ж. Т. Экологик хавфсизликни таъминлаш ва экологик таҳдидларни олдини олишнинг ҳуқуқий асоси // Ўзбекистон Респ. Ички ишлар вазирлиги ахборотномаси. – 2014. – № 2. – Б. 53–60.; Абдусаттаров А.М. Конституционные основы экологических полномочий органов государственной власти и управления в Республике Узбекистан // Символ науки, 2015. №11. –С.204-207; Скрипников Н.К. Совершенствование управления в сфере природопользования и охраны окружающей среды (на примере Узбекистана) // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения, 2017. №5. –С.129-134.

оширишда фуқаролик институтлари иштирокига бағишланган муҳим манбалар сифатида намоён бўлади⁸. Бу ишларда муаллифлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ижтимоий ҳамкорлик масалаларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кўрсатишган. Ушбу йўналишдаги бошқа тадқиқотларда инсоннинг экологик ҳуқуқларини таъминлашда ижтимоий институтларнинг фаолияти, ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик ваколатларининг асосий йўналишлари баён этилган⁹.

Муаммонинг тарихшунослигида хорижлик мутахассисларнинг тадқиқот натижалари ҳам алоҳида ўрин тутди¹⁰. Уларда Марказий Осиё минтақасида экологик вазиятнинг асосий жиҳатлари, минтақавий экологик хавфсизликни таъминлаш йўлидаги саъй ҳаракатлар, экологик ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар ёритилган. Халқаро экологик муносабатлар ёритилган адабиётларда Ўзбекистонда экологик барқарорликни таъминлашда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари акс этирилган¹¹.

Умуман олганда муаммонинг тарихшунослиги таҳлили Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жараёнлари тарихини яхлит ва алоҳида мавзу сифатида махсус тадқиқ этилмаганлигини кўрсатади.

⁸Эргашев А. Умумий экология. -Тошкент, 2003; Турсунов Х., Раҳимова Т. Экология. -Тошкент, 2006; Нигматов А. Экология. - Тошкент, 2006; Эргашев А., Шералиев А., Сувонов Х., Эргашев Т. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. - Тошкент, 2009; Турдиқулов Э. Глобал экологик муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегияси. -Тошкент, 2013; Кахарова М. Экологик хавфсизлик: мазмун- моҳияти, аҳамияти ва муаммолари. - Тошкент, 2014; Алиқулова М. Бўлажак педагогларнинг экологик маданиятини ривожлантириш асослари. - Тошкент, 2015; Омонов Б. Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақасидаги экологик сиёсати. — Тошкент, 2015; Қўлдошев А. Марказий Осиё давлатларида экологик муносабатларни бошқаришнинг демократик ва гуманистик тамойиллари. — Тошкент, 2015; Нигматов А. Экологик бошқарув. — Тошкент, 2015; Нигматов А, Ташпулатов С., Мухамедов Ш., Хасанова Н. Хаёт фаолияти хавфсизлиги ва экологик менежмент чизмалар, тушунчалар, фактлар ва рақамларда. - Тошкент, 2015; Холмуминов Ж. Экологик таҳдидларни олдини олиш ва хавфсизликни таъминлашда экологик ҳуқуқий таълим-тарбия. - Тошкент, 2015; Курбанов А. Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2016, №1.-Б.30-36; Хамидов О. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. - Тошкент, 2017; Нажимов М. Глобализация жараёнлари ва давлатнинг экологик функцияси. - Тошкент, 2017.

⁹ Икрамов Р.И. Правовые основы участия общественных институтов в обеспечении экологических прав человека в Республике Узбекистан // Вестник Пермского университета, 2010. №2. – С.37-41.; Науменко О. Об участии гражданских институтов в формировании экологического сознания граждан // Гражданское общество, 2013. №3. – С. 68-71.; Сафаров Д.И., Рузиев З.Р. Сравнительно-правовой анализ полномочий органов самоуправления в сфере охраны окружающей среды в зарубежных странах // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения, 2016. №1. –С.115-121; Сафаров Д.И. Правовые основы участия институтов гражданского общества в защите экологических прав граждан: опыт Узбекистана // Государство и право, 2017. №2. –С.108-110.

¹⁰ Griffin K. Social policy and economic transformation in Uzbekistan. – Geneva: UNDP: item. Labour office, 1995. – P. 172; Spoor M. Agrarian Restructuring and Trends in Rural Inequalities in Central Asia: A Socio-Statistical Survey. – Geneva: UNRISD, 2004. – 56 p.; Kandiyoti D. Post-Soviet Institutional Design, NGOs and Rural Livelihoods in Uzbekistan. – Geneva: UNRISD, 2004. – 36 p.; Миклин Ф. Вода и будущее бассейна Аральского моря // Аридные экосистемы, 2005. №26-27. –С.8-24; Veldwisch G.J., Spoor M. Contesting Rural Resources: Emerging 'Forms' of Agrarian Production in Uzbekistan. Journal of Peasant Studies, 35 (3). 2008. pp. 424-451; Тайлакова А.А. Роль регионального сотрудничества в обеспечении экологической безопасности Центральной Азии // International Scientific Review. 2015. № 7 (8). - С. 59-62.

¹¹ Абдуллаева Г. Экологическая политика Республики Узбекистан в условиях поэтапной интеграции в мировое сообщество. Автореф. дисс. к.п.н -Т.: 2001; Алихонов Б. Экологик муаммолар ечими: аҳолининг экологик маданиятига ҳам боғлиқ // Ниқуқ ва бurch. - 2015. № 7. –С.20-23; Алихонов Б.Б. Экологическая безопасность в Центральной Азии и катастрофа аральского моря. // Экологический вестник. 2008. №9.10-14 б.; Икрамова Н.И. Международная интеграция- путь решения проблем Арала. // Общественные науки в Узбекистане. 2003. №1-2. 36-39 б.; Тилляев Т.С. Аннотированный перечень международных договоров Республики Узбекистан и национальных актов в области охраны и рационального использования биологического разнообразия // Биоразнообразие Узбекистана - мониторинг и использования // Сборник. -Т.: 2007. –С.92-98; Турсунова Р.Ю. Вклад Узбекистана в обеспечении экологической безопасности (на примере Аральской проблемы) // Научный альманах, 2015. №7. –С.1175-1181.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши мавзуси Урганч давлат университети, Хоразм Маъмун академияси илмий-тадқиқот ишлари режасида ўз аксини топган, АЕ1-ФА-0-34706 “Хоразм вилояти аҳолиси экологик маданиятини ошириш орқали экологик ҳолатни яхшилаш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш йўлидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни замонавий тадқиқот усуллари асосида ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикадаги экологик муаммоларга жамоатчилик эътиборининг кучайиши жараёнларини ёритиш;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қонунчилик тизимининг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг умуммиллий ва ҳудудий муаммоларини ечишда давлат органлари фаолиятини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикасининг глобал экологик конвенцияларга қўшилиши масалаларини ёритиш;

экологик хавфсизликни таъминлашдаги халқаро ҳамкорлик масалаларини ўрганиш;

Ўзбекистондаги ижтимоий-экологик муаммоларни ечишда нодавлат нотажорат ташкилотларнинг ролини кўрсатиб бериш;

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг шаклланиши ва фаолиятини таҳлил қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилишда аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш масалаларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимида юз берган тарихий жараёнлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини мамлакатда атроф-муҳитни асраш ва соғломлаштиришда давлат сиёсати, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолияти ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда масала тарихшунослигини ўрганиш ва таҳлил қилиш, таққослаш, тарихий маълумотларни умумлаштириш, илмий қарашлар ва концепцияларнинг қиёсий таҳлили, ҳолислик тамойиллари каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мустақиллик йилларида атроф-муҳит ва экология соҳасида маъмурий-буйруқбозлик бошқарув усулидан воз кечилиб, амалий жиҳатдан аввалги тизимдан фарқ қилувчи табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги меъёрий-ҳуқуқий базасини тубдан қайта ташкил қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклашнинг иқтисодий усулларига ўтиш каби янги тенденциялар очиб берилган;

халқаро конвенция ва келишувлар асосида Ўзбекистонда иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш, ер-сув ресурсларидан самарали

фойдаланиш, биохилма-хиллик ва экотизимларни сақлашга йўналтирилган чора-тадбирларнинг мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланишдаги роли асослаб берилган;

мамлакатда давлат органлари ва халқаро донор ташкилотлар билан конструктив ҳамкорликни амалга оширишда жамоат ташкилотларининг экологик таълим, аҳолининг хабардорлиги ва экологик маданиятини ошириш, атроф-муҳит ҳолати мониторинги, ижтимоий-экологик вазиятни соғломлаштириш масалалари бўйича лойиҳа ва тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, мазкур масалалар муҳокамасида кенг жамоатчиликнинг қатнашишини таъминлашга қаратилган имкониятлар мавжудлиги аниқланган;

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланиши, унинг мамлакатда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, табиий захиралар манбаларидан самарали фойдаланиш, экология соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишдаги ўрни очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

тадқиқот натижаларидан республикадаги атроф-муҳитни асраш ва экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича ҳудудий дастурларни амалга ошириш, хусусан Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳудудий бўлинмалари фаолиятида фойдаланилган;

Ўзбекистонда экология тарихи билан шуғулланаётган тадқиқотчилар, “Тарих”, “Экология” таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабалар ва магистрантлар учун махсус курс дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда ушбу тадқиқот натижалари муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ижтимоий-гуманитар йўналишлари учун таълим жараёнларини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Унда замонавий тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, тарихий адабиётлар ҳамда ижтимоий-гуманитар йўналишдаги бошқа тадқиқотлардан фойдаланилгани, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва жорий архив материалларидан иборат бирламчи манбаларга асослангани, тадқиқот натижалари, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ваколатли тузилмалар томонидан берилган далолатномалар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишдаги таҳлилий маълумотлар, чиқарилган якуний хулосалар Ўзбекистон тарихининг аспектиларини мазмунан бойитишга ёрдам беради. Диссертация иши натижаларидан республика олий ўқув юртлари талабалари учун махсус курслар бўйича ўқув дастурлари ва қўлланмалар, дарслик ва монографиялар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ижтимоий экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт асосларини мустаҳкамлаш, экологик тарбия йўналишларида олиб бориладиган янги тадқиқотлар учун асос вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда атроф-

муҳитни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш йўлидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар бўйича ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўлида ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар таҳлили, хусусан Ўзбекистондаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви ҳамда қонунчилик тизимининг шаклланиши, ижтимоий-экологик муаммоларни ечишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ролини ошириш, глобал экологик конвенцияларни амалга ошириш орқали экологик хавфсизликни таъминлашга оид хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва унинг Хоразм вилояти ҳудудий бўлинмаси иш режасида “Атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштироки фаоллигини ҳар томонлама кучайтириш”, “Атроф табиий муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда марказ ва жойларда давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар масъулиятини ошириш”, “Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш” каби устувор вазифалар бўйича чора-тадбирларни режалаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 09/276-сонли далолатномаси). Бу натижалар асосида амалга оширилган чора-тадбирлар Хоразм вилоятидаги ижтимоий-экологик муаммоларни бартараф этишга хизмат қилмоқда;

аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тадбирларни амалга ошириш учун дастур ва тарғибот материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 1 февралдаги 04-13/513-сонли далолатномаси). Бу ўтказилган тадбирларнинг ташкилий-услубий асосларини мустаҳкамлаб, ёшларнинг экологик маданиятини ошириш ва соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 та республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганганлик даражаси очиб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги экологик вазият ва табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнлари”** деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати, мустақиллик йилларида мамлакатда олиб борилган экологик-иқтисодий сиёсатнинг асосий жиҳатлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қонунчилик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши, атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланишни экологик таъминлашда давлат органлари фаолияти билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Мустақилликка эришгач Ўзбекистон Республикаси совет даврида қишлоқ хўжалиги, энергетика ва саноат тармоқларидаги жиддий тузилмавий хатолар туфайли атроф-муҳит ва табиий ресурсларни бошқариш соҳасида кўплаб муаммолар юзага келганлиги оқибатида мураккаб экологик вазиятни мерос қилиб олди. Мамлакатда экологик беқарорлик ўчоқлари деярли барча вилоятларда мавжудлиги кузатилди. Юқори экологик беқарорлик асосан локал тусга эга бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона ва Навоий вилоятлари энг нохуш ҳудудлар сифатида намоён бўлади.

Атроф-муҳит муаммолари орасида Ўзбекистон ҳудудлари учун қуйидагилар муҳим омиллар ҳисобланади: атмосфера ҳавосининг ифлосланиши; қаттиқ чиқиндилар шу жумладан, захарли саноат чиқиндиларининг тўпланиши; сув ресурсларининг ифлосланиши ва чучук сув етишмаслиги; аҳолининг тоза ичимлик суви билан етарлича таъминланмаганлиги; саҳроланиш ва чўлланиш муаммолари; тупроқ шўрланиши ва таназзулга учраши; турлар хилма-хиллиги мажмуаларининг биологик маҳсулдорлигининг пасайиши ва қисқариши; озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммолари.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида атмосферанинг ифлосланиши муаммоларига назар солсак, республикада атмосфера ҳавосини ифлослантираётган корхоналар сони 1992 йилда 839 та¹², 1993 йилда 889 тани ташкил қилиб, уларнинг кўпчилиги Тошкент шаҳри (155 та), Фарғона (105 та) ва Тошкент (93 та) вилоятларига тўғри келди¹³. 2001 йилга келиб бундай корхоналар сони 1962 тага етиб, уларнинг аксарияти Тошкент шаҳри (351), Фарғона (213), Наманган (201), Қашқадарё (159) вилоятларига тўғри

¹² Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзР МДА), М-110-фонд, 1-рўйхат, 181-йиғма жилд, 1-варак.

¹³ ЎзР МДА, М-110-фонд, 1-рўйхат, 614-йиғма жилд, 2-варак.

келди¹⁴.

Бугунги кунда ҳам ушбу муаммолар долзарб бўлиб, Андижон, Ангрен, Бухоро, Навоий, Фарғона, Олмалик, Бекобод, Чирчиқ, Тошкент ва Нукус каби саноатлашган шаҳарларда ҳавонинг чанг билан ифлосланиш даражаси санитар меъёрдан ўрта ҳисобда 2,7 баробар ортгани кузатилган¹⁵. Биргина Наманган вилоятида йилига атмосфера ҳавосига 70 минг тоннага яқин ифлослантурувчи моддалар ташланмоқда ва шундан 90 фоизи (63 минг тоннадан кўпроғи) автотранспорт воситалари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Яна бир муаммо чиқинди муаммоси бўлиб, Тошкент шаҳрида кунига 2 минг, йилига 700 минг тонна, республика бўйича йилига 7-8 млн тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Уларнинг 4-5 % қайта ишланмоқда. Дунёнинг йирик шаҳарларида эса бу кўрсаткич 15-20 %дир¹⁶. Фарғона вилоятида кунига ўртача 3,5 минг тонна, бир ойда 105 минг тонна, бир йилда 1 млн 260 минг тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади¹⁷.

Ўзбекистонда саҳроланиш ва чўлланиш жараёнлари энг долзарб экологик муаммолардан бири бўлиб турибди. Иқлим ўзгариши оқибатида ушбу хавф янада кучаймоқда. Ўзбекистон ҳудудининг 80 фоизи саҳро ва ярим саҳролар, иқлим ўзгариши ва антропоген омилларга жуда таъсирчан бўлган экологик тизимлардан иборат. Иқлим ўзгариши оқибатида ёғингарчиликлар миқдори ўзгармоқда ва шу сабабли юз берадиган сел кўчкилари тупроқ эрозиясининг кучайишига олиб келмоқда.

Орол фожиаси иқлим континенталлигини кескинлаштирди, бунинг натижасида ёз кунлари қурғоқчилик кучайди, қишнинг совуқ кунлари эса аксинча узайди. Орол бўйида ҳарорат 40 даражадан юқорироқ бўладиган кунлар сони икки мартага кўпайди. Денгиз чуқурлиги 1960 йилда 53,52 м. бўлган бўлса¹⁸, 1996 йилда 35,48 м.ни ташкил этди¹⁹. Денгизнинг қуриб қолган қисмида 5 млн. гектар майдонда янги “оролқум” саҳроси пайдо бўлди. Вақти – вақти билан бу ерда бўронлар кўтарилиб, млн.лаб тонна туз, чанг ва қум юзлаб км.га сочилмоқда. Туз шлейфлари 400 км.дан ошади, қумли ва тузли бўронларнинг таъсири доираси эса 300 км.гача етмоқда. Оролбўйи чўлланиши ер ресурсларининг деградациясига, табиий яйловлар ва пичанзорлар сифатининг ёмонлашувиға сабаб бўлмоқда, тупроқнинг шўрланиши фаоллашиб, у йил сайин янгидан-янги майдонларни қамраб олмоқда. Экологик ноқулай вазият ҳудудда аҳоли миграциясига таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 19

¹⁴ ЎзР МДА, М-110-фонд, 1-рўйхат, 5958-йиғма жилд, 4-5-варақлар.

¹⁵ Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – аҳоли саломатлигини сақлашнинг муҳим омили. [//www.uza.uz/oz/programs/26-years/atrof-mu-itni-mu-ofaza-ilish-a-oli-salomatligini-sa-lashning-02-02-2018/](http://www.uza.uz/oz/programs/26-years/atrof-mu-itni-mu-ofaza-ilish-a-oli-salomatligini-sa-lashning-02-02-2018/)

¹⁶ Тошкент шаҳрида кунига қанча маиший чиқинди ҳосил бўлади? [//www.uza.uz/oz/society/toshkent-sha-rida-kuniga-ancha-maishiy-chi-indi-osil-b-ladi-21-02-2019](http://www.uza.uz/oz/society/toshkent-sha-rida-kuniga-ancha-maishiy-chi-indi-osil-b-ladi-21-02-2019)

¹⁷ Фарғона водийсида чиқиндиларни комплекс бoшқариш кластери. <http://www.uza.uz/oz/programs/25-years/far-ona-vodiysida-chi-indilami-kompleks-bosh-arish-klasteri-02-09-2017/>

¹⁸ Шульц В.И., Шалатова Л.И. Уровень Аральского моря в 1961-1966 гг. // Проблемы освоения пустынь. 1968. №3 - С. 20.

¹⁹ ЎзР МДА, М-114-фонд, 1 д-рўйхат, 141-йиғма жилд, 35-варақ.

сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нуткида²⁰ илгари сурган ташаббуси натижасида 2018 йил ноябрда БМТ ҳузурида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди тузилди²¹. Унга турли мамлакатлардаги донорлардан худудда яшаётган аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағлар жалб қилиш имконияти яратилди. 2018 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманига ташрифи якунлари бўйича 2 йилга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниб, унда умумий қиймати 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 793 лойиҳа амалга ошириладиган бўлди²².

Ўзбекистон худудида суғориладиган ерлар 4,3 млн. гектарни ташкил этади ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90-95 фоизини етиштириб беради. Яъни аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда суғориладиган ерлар алоҳида аҳамиятга эга. Ердан барқарор фойдаланишнинг хавфи Ўзбекистонда ер ресурсларининг чекланганлиги ва таркиби сифатининг пастлигидир. Йилдан-йилга ерга нисбатан, иқтисодий ва демографик юк ортиб бормоқда.

Ҳозирги даврда республикада мавжуд 4,3 миллион гектар суғориладиган майдонларнинг қарийб 2,0 миллион гектари (46,7%) турли даражада шўрланган. Жумладан, 1 миллион 324 минг гектар (30,9 %) кам, 570 минг гектари (13,3%) ўрта ва 105,5 минг гектари (2,5%) кучли шўрланган ерлардир²³.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида иқтисодий ва экологик муносабатларда содир бўлган ўзгаришлар табиатни муҳофаза қилиш, ундан оқилна фойдаланишнинг ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида экологик қонунчилиқни янада ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий базани шакллантиришнинг конституциявий асосларини мустаҳкамловчи Асосий қонун -Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаблари асосида қабул қилинган 40 га яқин қонун ва мингга яқин қонуности ҳужжатлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилна фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш каби муҳим вазифаларни бажаришга хизмат қилмоқда²⁴. Булар: “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” (1992 й.), “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” (1993 й.), “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” (1996 й.), “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” (1997 й.), “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” (1997 й.), “Ўрмон тўғрисида” (1999 й.), “Экологик экспертиза тўғрисида” (2000 й.), “Ер ости бойлиқлари тўғрисида” (2002 й.), “Чиқиндилар тўғрисида”

²⁰Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь.

²¹ Специальный фонд для региона Приаралья под эгидой ООН // www.uza.uz.

²² Базарбаев Ж. Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш мумкинми // <http://teleradio.uz/2018/12/12>

²³ Раҳбарият маърузалари // www.agro.uz/uz/information/reports/

²⁴ Мустақил Ўзбекистон тарихи.- Т.: Академия, 2013. – Б. 349.

(2002 й.), “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” (2004 й.), “Экологик назорат тўғрисида” (2013 й.), “Жамоатчилик назорати тўғрисида” (2018 й.)ги қонунлар ва Ер кодекси (1998 й.).

1992 йил 9 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни асосида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат сиёсатининг ҳамда ушбу соҳада муносабатларни тартибга солишнинг асосий йўналишларини белгилайдиган бўлди²⁵. Ҳозирги амалдаги қонунчилик тартибига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасидаги давлат бошқаруви қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади²⁶.

Мамлакатни барқарор ривожлантириш, экологик муаммоларни босқичма-босқич бартараф этиш борасида “Ўзбекистон Республикасида 1999-2005 йилларга мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат дастури²⁷” ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Унда мамлакатда яшаётган аҳолига соғлом муҳит яратиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, сув, ҳаво ва тупроқнинг ифлосланишига йўл қўймаслик, барча ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофазага олиш, табиат дахлсизлигини таъминлаш ва бошқа муаммоларга катта эътибор қаратилди. Бу борада табиий муҳит ҳолатининг барқарорлашиб ва яхшиланиб бориш тамойили кўрина бошлади, ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқариб ташлаш ва ифлос оқова сувларни оқизиш ҳоллари камайиши, чиқиндилардан иккиламчи тарзда фойдаланиш кўлами кенгайиши кузатилди²⁸.

Юқоридаги дастурнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги 212-сон қарори билан тасдиқланган “2008 - 2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури” амалга оширилди²⁹. Ушбу Дастурнинг бажарилиши учун 376,14 млрд сўм, 427,79 млн АҚШ доллари ва 504,4 минг евро миқдорида маблағ сарфланди. Дастурга мувофиқ, 145,5 мингта автотранспорт воситасини газ ёқилғисига ўтказиш ҳисобига ифлослантирувчи моддалар 78,8 минг тоннага қисқартирилди, нефть билан бирга чиқадиган 17,2 млрд куб метрдан ортиқ йўлдош газлар утиллаштирилди, “Ўзкимёсаноат” ДАК объектларида азот оксидини чиқариб

²⁵Жумаев Т.М. Экология иқтисодиёти. –Т., 2004.- Б. 236.

²⁶Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами (ЎР ҚХТ), 2017 й., 37-сон, 978-модда

²⁷Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрдаги 469-сон қарори // http://lex.uz/docs/918487?lact_id=918487&version=print

²⁸Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., 6-сон, 327-модда.

²⁹2008 - 2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури // <http://lex.uz/docs/1392868>

ташлаш 3,5 млн тоннага қисқартирилди, Хисор сув омборида кичик ГЭС қурилган ва ишга туширилди, 86 минг гектарга яқин майдонда қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди³⁰. Аммо Олмалик, Нукус, Тошкент, Чирчиқ каби шаҳарларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини пасайтириш учун кўрилган чора-тадбирлар етарлича самарали бўлмади³¹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги қарори асосида қабул қилинган, “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури” экологик муаммоларни ҳал қилиш борасида катта аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳужжат бўлди³². Ушбу дастурда атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини ва меъёрий-услубий базани ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Дастурдаги тадбирларни амалга оширишга жами 89,39 млрд сўм, 1635,55 млн АҚШ доллари ва 57,63 млн евро миқдорида маблағлар йўналтирилди³³.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича узлуксиз чора-тадбирлар доирасида кейинги йилларда ҳудудларда ҳаётга татбиқ этилган лойиҳалар натижасида 240 минг гектардан зиёд майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Мустақиллик йилларида экологик хавфсизликни таъминлаш борасида муҳим ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Кўрилган чоралар атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини камайтиришга, асосий очиқ сув оқимларини яхшилашга, пестицидларнинг қўлланилишини қисқартиришга, экин майдонларнинг тузилишини яхшиланишига, халқаро ташкилотларнинг миллий экологик муаммоларни ҳал қилинишига жалб этишга ҳисса қўшди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Глобал конвенцияларнинг экологик хавфсизликни таъминлашдаги роли**” деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикасининг глобал экологик конвенцияларга қўшилиши, экологик хавфсизликни таъминлашда халқаро ҳамкорлик ва давлатлараро муносабатлар баён этилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қатор халқаро конвенциялар ва улар ривожланишининг тегишли протоколларига аъзо бўлди ҳамда ратификация қилди³⁴. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 29 март СҚ-376-II-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 й., 3-сон, 67-модда.

³¹ Ўша ерда.

³² ЎР ҚХТ, 2013 й., 22-сон, 282-модда; 2017 й., 19-сон, 345-модда.

³³ Ўша ерда.

³⁴ Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жорий архиви (ДЭҚЖА). Tabiatni muhofaza qilish bo'yicha xalqaro hamkorlikining asosiy yo'nalishlari. 2016-09-19 // www.uznature.uz

қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида 11 та халқаро конвенция ва улар доирасидаги 7 та кўп томонлама келишув ва меморандумларнинг аъзоси ҳисобланади. Шулардан 6 та конвенцияларнинг ижросини таъминлаш ДЭҚ зиммасига юклатилган бўлиб, улар биохилма-хилликни муҳофаза қилиш соҳасидаги 4 та конвенция ҳамда озонни ҳимоя қилиш ва хавфли чиқиндиларни трансчегаравий транзитини амалга ошириш бўйича 2 та конвенцияни ташкил қилади.

1993 йил 18 майда Ўзбекистон Республикаси Вена конвенцияси ва Монреал протоколида ўзининг иштироки бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини тасдиқлади ва мазкур ҳужжатларга қўшилишдан келиб чиқувчи мажбуриятларни ўз бўйнига олди³⁵. Ўзбекистон Республикаси Вена конвенцияси ва Монреал протоколи доирасида белгиланган мажбуриятларни бажарган бўлиб, 99,9 фоиз озон қатламини емирувчи моддалар муомаладан чиқарилган³⁶, бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озонни муҳофаза қилиш котибияти томонидан алоҳида эътироф этилган.

1993 йилда Ўзбекистон Иқлим ўзгариши ҳақидаги БМТнинг Доиравий конвенциясига қўшилди³⁷. 1998 йилда Киото протоколи имзоланди, бу протокол 1999 йил 20 августда ратификация қилинди³⁸.

Ўзбекистон 1995 йилда БМТнинг чўлланишга қарши кураш конвенциясини ратификация қилди. Ўзгидромет чўлланишга қарши кураш бўйича масъул агентлик этиб тайинланди. 1999 йилда бу йўналишда Ҳаракатлар Миллий Дастури ишлаб чиқилди.

“Биологик хилма-хиллик тўғрисида”ги БМТнинг конвенцияси биохилма-хилликни ва улар мавжуд ҳудудларни сақлаб қолишга йўналтирилган. 1998 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг биологик хилма-хиллигини сақлаш бўйича миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси”га асосан бу соҳада асосий эътибор миллий қонунчилик базасини такомиллаштиришга ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш ва мавжудларини ривожлантиришга қаратилди. 2000 йилга келиб, мамлакатда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар 827919 гектарни, шундан ўрмон билан қопланган ҳудудлар 133177 гектарни ташкил қилди³⁹. Бугунги кунда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мамлакатдаги мавжуд 40% га яқин ўсимлик ва 70% ҳайвонот дунёси ноёб турларини қамраб олган⁴⁰.

“Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юривчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Бонн конвенцияси доирасида Ўзбекистоннинг асосий мажбуриятлари ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юривчи турларини мамлакат

³⁵Ўзбекистон Республикасида Атроф-табиий муҳит муҳофаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида миллий маъруза. Тошкент, 2006. – Б.42.

³⁶ Жамият гезатаси//2011 йил 16 сентябрь №35(256). –Б. 5.

³⁷ ЎзР МДА, М-114-фонд, 1-рўйхат, 40-йиғма жилд, 12-варақ.

³⁸ Ўзбекистон Республикасида Атроф табиий муҳит муҳофаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида миллий маъруза. Тошкент 2006 йил. –Б.40.

³⁹ ЎзР МДА, М-110-фонд, 1-рўйхат, 4992-йиғма жилд, 1-3-варақлар.

⁴⁰ Биоразнообразие, виды, находящиеся под угрозой исчезновения и охраняемые виды // www.nd.uznature.uz/page/bioraznoobrazie-vidi-nahodyaschiesya-pod-ugrozoy-ischeznoveniya-i-ohranyaemie-vidi; KRASS ННТ жорий архиви. Семинар-тренинг материаллари. Урганч, 2017 йил февраль.

худудида муҳофаза қилишни таъминлашдан иборат бўлиб, бу борада БМТнинг атроф-муҳит дастури (ЮНЕП), Табиатни сақлаш халқаро иттифоқи, Ёввойи табиат халқаро жамғармаси, Турналарни сақлаш бўйича бутунжаҳон жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 30 августдаги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Рамсар Конвенциясига қўшилди⁴¹. Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон Республикаси худудидан бугунги кунда йилига 4 миллиондан зиёд сувда сузувчи қушлар кўчиб ўтади ва очик сув ҳавзалари қушларнинг 100 дан ортиқ турларининг қиш мавсумида тўхташ жойлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси худудида 10 га яқин сув ҳавзалари бор, улар маҳаллий сув қушлари учун жуда катта аҳамиятга эга⁴².

“Хавфли чиқиндиларни трансчегаравий ташиш ва уларни йўқ қилиш тўғрисида”ги Базель Конвенцияси доирасида биргина 2017 йил давомида Ўзбекистонда маиший чиқиндиларни комплекс бошқариш тизимини ташкил этиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларнинг давлат экологик назоратини ўрнатиш борасида халқаро молия институтлари кредит маблағлари ҳисобидан 37,1 млн Евро (Франция ривожланиш агентлиги – Самарқанд шаҳрида) ва 92,25 млн доллар (Осиё тараққиёт банки – Тошкент шаҳрида) миқдоридаги лойиҳалар амалга оширилди; тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб қилган ҳолда Фарғона водийсида “ManCapitaS.P.C.” компаниясининг (Бахрайн) – 300 млн доллар, Тошкент вилоятининг Охангарон ва Паркент туманларида “SejinG&E” компаниясининг (Жанубий Корея) – 50 млн доллар, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида “ENELarchitectural” консорциумининг (Австрия, Германия, Озарбайжон) – 50 млн доллар лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувлар имзоланди (жами соҳага 570 млн доллар атрофида инвестициялар жалб қилинди)⁴³.

Мустақиллик йилларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги иккитомонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида хорижий мамлакатлар билан қатор иккитомонлама ҳамда кўптомонлама келишувлар имзоланди⁴⁴.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик жараёнида фаол иштирок этмоқда. У табиий бойликлардан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланишни бошқариш муаммоларини мувофиқлаштириш ва ечиш учун йўналтирилган⁴⁵, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси

⁴¹Холбоев Ф. Рамсар Конвенцияси: эндиликда унинг мақсад ва вазифалари янада кенгайган // www.eco.uz/uz/kutubkhona/ma-olalar/4-ramsar-konventsiyasi-endilikda-uning-ma-sad-va-vazifalari-yanada-kengajgan

⁴²Азизов С. Қандай қилиб биохилма хилликни сақлаб қолиш мумкин// Экология хабарномаси, 2009 йил. №6. – Б.22.

⁴³ДЭҚЖА. Республикада экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича устувор масалаларни амалга ошириш юзасидан 2017 йил якуний ҳисоботи. Тошкент, 2018 йил.

⁴⁴Ўзбекистон Республикаси билан имзоланган иккитомонлама шартномалар // www.ntm.uz

⁴⁵ЎЗР МДА, М-114-фонд, 1-рўйхат, 123-йигма жилд, 2-21-варақлар.

(ОҚХЖ)⁴⁶ ва 2 та комиссия - Барқарор ривожланиш бўйича Давлатлараро Комиссия ва Давлатлараро мувофиқлаштириш сув хўжалиги Комиссиясини тузиш ташаббускорларидан бири бўлди.

